

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раиснинг биринчи ўринбосари,
Харид комиссияси раиси
У. Халилов



« _____ » 2022 г

Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:

Геоахборот маълумотлар базасида "Navoiy kon metallurgiya kombinati" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзавтосаноат" АЖларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари тасарруфида бўлган саноат чиқиндиларини кўмиш жойларига тегишли майдонли фазовий қатлам яратиш **Мақсади:**

Лойиҳанинг асосий мақсади Давлат кадастрлари ягона тизимининг талабларига мувофиқ, "Navoiy kon metallurgiya kombinati" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзавтосаноат" АЖларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида фаолият олиб боровчи корхона ва ташкилотлар тасарруфида бўлган саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойларининг аниқ чегара ҳудудларини ва санитария-ҳимоя минтақаларини белгилаш ва ягона маълумотлар базасини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2022 йил 7 июнь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилиши 47-сон баёнининг 12-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги ПКҚ-4427-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарорлари асосида, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бўш турган ер участкаларини "YERELEKTRON" АТ орқали доимий фойдаланишга бериш белгиланган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонлари саноат чиқиндиларини кўмиш полигонларнинг санитария-муҳофаза минтақаларидан ажратилишининг олдини олишга эришиш.

"Navoiy kon metallurgiya kombinati" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзавтосаноат" АЖ лар тасарруфида бўлган жами 21 та (майдони 5,4 минг га) саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойлари учун ажратилган ер майдонларининг контурларига (периметри) тегишли географик координаталарини аниқлаш ҳамда уларнинг санитария-муҳофаза минтақаларини белгилаш асосида, географик ахборот тизимида саноат чиқиндиларини кўмиш жойларига тегишли маълумотлар базасини яратиш.

Вазифалар ва режалаштирилган чора-тадбирлар

Вазифалар:

1. "Navoiy kon metallurgiya kombinati" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзавтосаноат" АЖларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари тасарруфида бўлган саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойларини ташкил этиш учун ажратилган ер майдонларининг контурларига (периметри) тегишли географик координаталарини аниқлаш ҳамда уларнинг санитария-муҳофаза минтақаларини белгилаш;

2. Тўпланган маълумотлар асосида Давлат кадастрлари ягона тизимининг Географик ахборот тизимида (ДҚЯТ ГАТ) саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойларининг майдонли тематик қатламини базавий картографик асосдан фойдаланиб ArcGIS дастурий таъминотида (*.shp, *.gdb, *.mdb форматларда) маълумотлар базасини яратиш;

3. ДҚЯТ ГАТга тегишли тематик қатламнинг атрибутив маълумотлари давлат тилида ва асосли маълумотлар билан тўлдириш.

Режалаштирилган чора-тадбирлар:

1. Саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойлари чегараларининг географик координаталарини аниқлаш ва электрон тавсифлаш.

2. Саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойларининг географик координаталарини аниқлаш, уларнинг чегараларини тавсифлаш, эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар рўйхатини ва бошқа маълумотларни шакллантириш (*Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2014 йил 12 сентябрдаги 12-сон қарорининг 13-иловасига асосан (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2618)*).

3. Саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри ГАТ маълумотлар базасини яратиш.

Кутилаётган натижалар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарори ижроси таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2022 йил 7 июнь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилиши 47-сон баёни 12 банди ижроси таъминланади.

3. Саноат чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойлари чегараларининг тавсифлари Миллий геоахборот базаси талаблари асосида кадастр маълумотлари рақамлаштирилади.